

ISSN: 2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ


ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

1-СОН

ЯНВАРЬ, 2023



IMFAKTOR
PAGES



ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1-ЖИЛД, 1-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-1, НОМЕР-1

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-1, ISSUE-1

ТОШКЕНТ – 2023

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 1 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-1>

Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни **№ 054837**-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал **6 та** халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

Иқтисодиёт фанлари

ТУРСУНОВ Жаҳонгир Пулатович

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
доценти, PhD*

ЖУМАБАЕВА Кумуш Ботир кизи

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
тингловчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7539261>

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИ: БУГУНГИ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари ва Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган шунингдек, жаҳонда мавжуд пенсия тизими моделлари келтирилган ҳамда хориж тажрибасини қўллаган ҳолда мавжуд пенсия тизимидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Пенсия тизими, пенсия, нафақа, авлодлар бирдамлиги, ёшга доир пенсия, ногиронлик пенсияси, боқувчисини йўқотганлик пенсияси, меҳнат лаёқати, пенсионерлар, иқтисодий боғлиқлик коэффитсиэнти, мажбурий пенсия суғуртаси, ихтиёрий пенсия тизими.

СИСТЕМА ПЕНСИОННОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ: СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается современное состояние пенсионной системы в нашей стране и направления её совершенствования, а также особенности пенсионной системы Узбекистана, а также существующие модели пенсионной системы в мире и существующая пенсионная система. Системы с использованием зарубежного опыта, разработаны предложения и рекомендации по решению проблем.

Ключевые слова: Пенсионная система, пенсия, пособие, солидарность поколений, пенсия по старости, пенсия по инвалидности, пенсия по случаю потери кормильца, трудоспособность, пенсионеры, коэффициент экономической нагрузки, обязательное пенсионное страхование, добровольная пенсионная система.

THE SYSTEM OF PENSION PROVISION IN UZBEKISTAN: CURRENT STATE AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT

ANNOTATION

This article describes the current state of the pension system in our country and the directions for its improvement, as well as the specific features of the pension system of Uzbekistan, as well as the existing models of the pension system in the world and the existing pension system using foreign experience. proposals and recommendations for solving problems are developed.

Keywords: Pension system, pension, benefit, solidarity of generations, old-age pension, disability pension, survivor's pension, work capacity, pensioners, economic dependency ratio, compulsory pension insurance, voluntary pension system.

Пенсия таъминоти бугунги кунда ҳар қандай демократик давлатда яшовчи инсонларнинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади. Аммо турли давлатлар пенсия тизимлари бир-биридан ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Давлат пенсия таъминотини такомиллаштиришда кўпгина хориж тажрибалари асос бўлади.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг жадал ривожланиши билан бирга, иқтисодий ислохотларда пенсия тизимини ислоҳ қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизими мамлакатимиз фуқароларининг ижтимоий таъминот бўйича ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама инobatга олган ҳолда шакллантирилди. Пенсия ва нафақалар максимал даражада фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилганлиги билан тавсифланади.

Ҳозирги шароитда давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири - пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва унинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Жумладан, 2022-2026-йилларда амалга оширишга қаратилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида амалга оширишга оид давлат дастурида ушбу тизимни ривожлантиришга доир бир қанча вазифалар белгилаб қўйилган бўлиб, тараққиёт стратегияси 4 бобининг 53 ва 54 – мақсадлари айнан пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўз ичига олади.

Ушбу ислохотлар инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат. Ҳозирги пайтда пенсия таъминоти тизими энг муҳим ижтимоий ҳимоя институтларидан бири ҳисобланади. Унинг самарали фаолият юритиши мамлакатимизнинг ижтимоий фаровонлиги даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу сабабдан мамлакатимиз истиқболидаги демографик ва макроиқтисодий ҳолатини, ўзгаришларини инobatга олган ҳолда пенсия тизимини такомиллаштириш, пенсия тизимининг нодавлат шакллари ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш, пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш, пенсия тайинлашда ҳисоб-китоб ишларини соддалаштириш, пенсия тизими молиявий барқарорлигини таъминлашда замонавий усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шу каби мавжуд муаммоларни ҳал этишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ўзининг пенсия тизимини ислоҳ этишда тўпланган илғор тажрибаларини аниқлаш ҳамда уни амалиётимизда қўллашимиз муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда авлодлар бирдамлиги тизими амал қилиб, пенсия таъминоти 1993 йилда қабул қилинган ва ҳозирга қадар бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади. Ҳозирги кунда Республикаимизда пенсия таъминотининг хусусий шакллари мавжуд эмас.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, пенсия таъминоти тизими – бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни қариллик, касаллик, меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотиш, боқувчисини йўқотганлик, ишсизлик ҳолатларида моддий таъминланишларига бўлган конституцион ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим бўлган асосий ижтимоий ҳимоя институтларидан биридир. Олинadиган маблағлар миқдори суғурта (меҳнат) стажи давомийлиги, иш ҳақи миқдори, меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига боғлиқ бўлади ва қонун асосида тартибга солинади [1].

Маълумки, жаҳон амалиёти пенсия тизимининг икки асосий тури фарқланади:

- авлодлар бирдамлиги яъни ҳамкорликдаги масъулият тизими, бунда ишлаб турган авлод олдинги авлодга пенсия тўловларини молиялаш учун бадаллар тўлайди (ўз навбатида кейинги авлод ҳозирги ишлаб турганлар пенсия тўловларини молиялаштиради);
- жамғариш тизими, бунда ҳар бир ишлаб турган киши ўзининг кексаликдаги таъминоти учун маблағларни ўз меҳнат фаолияти мобайнида жамғариши керак.

Бу икки пенсия тизими Ўзбекистон пенсия таъминоти тизимининг асосий негизи ҳисобланиб, фуқаролар пенсия таъминоти ушбу пенсия тизимлари билан қамраб олинган [3].

Айрим тадқиқотчилар пенсия таъминоти тизимининг молиявий асосини устун даражада тақсимланувчи компонентлар ташкил этиши зарур [5] деб ҳисоблашса, бошқалари жамғариладиган компонентлар тарафдори ҳисобланадилар [6].

Халқаро амалиёт кўрсатишича, аксарият мамлакатларда тақсимланувчи давлат ҳамда мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган – аралаш пенсия тизимлари амал қилмоқда. Пенсия тизимининг аралаш тури молиявий барқарорлик ва тўланаётган пенсия даражаси нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади [9].

АҚШнинг Аризона университети профессори Ж. Пенг тадқиқотларида пенсия таъминотига оид қарашлар баён этилган бўлиб, у ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан кейинги молиявий барқарорлигининг кескинлашувини ҳамда пенсия таъминотининг долзарб масалаларини кўтариб чиқади.

Ж.Пенг пенсияни фуқароларнинг қариликдаги молиявий барқарорлигини таъминловчи энг муҳим даромад манбаи эканлигини эътироф этиб, мазкур тизимда ҳозирдаги мавжуд муаммоларни ва истиқболдаги ўзгаришларни тадқиқ қилган [7].

Иқтисодчи олим Ю.Н.Борисенко тадқиқотлари фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш, меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдиан тўланадиган иш ҳақи миқдорига пропорционал тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш, бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш кабилар пенсия тизимининг асосий мақсади эканлиги, пенсия тизимининг барқарор амал қилиши жамиятда ижтимоий барқарорликнинг гарови ҳисобланиши ва аксинча, пенсия таъминотининг нобарқарорлиги кучли ижтимоий хавфни юзага келтириши кабилар баён қилинган [10].

Пенсия тизими – ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи организм бўлиб, у жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини кондириш учун мўлжалланган. Пенсия тизими – бу ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдамнинг бир кўринишидир.

Юқоридаги пенсия тизими ҳақидаги фикрларни инобатга олган ҳолда, пенсия тизимидаги ислохотлар ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан кейинги молиявий барқарорлигининг кескинлашувига, ишловчиларнинг пенсияга чиққандан кейинги моддий таъминотига, фуқароларнинг қариликда моддий хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялашга, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ижтимоий адолатни таъминлашга, ижтимоий кафолатларни яратиш, сиёсий барқарорликни вужудга келтиришга асосланса пенсия тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг ижобий натижалари янада тўлиқроқ бўлишига эриша оламиз.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими, бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболларининг назарий асослари ўрганилди, пенсионерларнинг умумий сони, иқтисодий боғлиқлик коэффициенти таҳлил қилинди, шунингдек мантиқий фикрлаш, индукция, дедукция ва тизимли ёндашув усулларидан фойдаланилди.

Мамлакатимиз пенсия тизимини чуқур таҳлил қилиш ва пенсия таъминотининг модернизациялашни назарий ва амалий жиҳатларини комплекс тадқиқ этиш ижтимоий сиёсатни манзиллилигини кучайтиришнинг долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.


Пенсия таъминотининг энг муҳим иқтисодий функцияси меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш учун зарурий шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Пенсия таъминоти-давлатнинг ижтимоий таъминот сиёсатининг муҳим ва ажралмас қисмидир. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий таъминот тизими жамиятда ижтимоий адолатлиликни таъминлаш, сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва таъминлаб туришнинг асосий шарт-шароитларидан биридир.

Ҳозирда пенсия таъминоти тизимини қуйидагича таснифлашимиз мумкин (*1-расмга қаранг*):

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида пенсионерлар етарли даражада турмуш даражаси билан таъминланмаган. Шунинг учун аксарият мамлакатларда аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларидан бири бўлган пенсия таъминотини ислоҳ қилиш жараёни кетмоқда.

Мамлакатимизда пенсия тизимини ислоҳ қилиш, хусусан, хусусий пенсия фондларини ташкил этишга рухсат бериш, пенсия фондларини капитал бозорида иштирокини таъминлаш Ўзбекистон молия тизимини янада ривожлантиришга ёрдам беради. Умуман 2022- йилнинг ўзида давлат пенсия таъминоти тизими 4,2 млн.дан ортиқ кишини ёки мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 8 фоизини қамраб олади.

Шу жумладан, ёш бўйича пенсия олувчилар 3091,8 минг кишини, ногиронлик бўйича – 413,6 минг киши, боқувчисини йўқотгани учун – 217,9 минг киши, ижтимоий нафақа олувчилар – 543,4 минг кишини ташкил этади (*1-жадвал*).



1-расм. Пенсия тизимларининг кўринишлари

1-жадвал

Йиллар	Пенция ва нафақа олувчиларнинг жами сони	Ёшга доир пенция олувчилар сони	Ногиронлик пенциясини олувчилар сони	Боқувчисини йўқотганлик пенциясини олувчилар сони	Нафақа олувчилар сони
2018	3,690,000	2,618,000	380,000	260,000	432,000
2019	3,878,000	2,750,000	392,000	261,000	475,000
2020	4,029,000	2,849,000	396,000	270,000	514,000
2021	4,253,000	2,987,000	409,000	289,000	568,000
2022-йил 1-ноябрь ҳолатига	4,267,008	3,091,877	413,670	217,971	543,490

Пенсия таъминоти тизими аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз ва муҳтож қисмининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий тавсифдаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини назарда тутди. Фуқароларни кексалик даврида камбағалликдан ҳимоялаш, меҳнат фаолияти тугаши билан пенсияга чиқиш олдида тўланадиган иш ҳақи миқдорига мутаносиб тарзда белгиланган муайян миқдордаги кафолатланган даромадни таъминлаш, бу даромадни келажакда турмуш даражасининг пасайишидан ҳимоялаш кабилар пенсия тизимининг асосий мақсадларидандир.

Ёш бўйича пенсия олувчиларнинг сони ошиб бораётган шароитда ҳозирги мавжуд давлат пенсия таъминоти тизими иқтисодий фаол аҳоли қатламига пенсия тўловлари юқининг ошишига олиб келмоқда, ушбу ҳолатни ёшга доир пенсия таъминотининг молиявий барқарорлигини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири иқтисодий боғлиқлик коэффициенти орқали аниқ таҳлил қилиш мумкин.

2-жадвал

Йиллар	Пенсия тизимида суғурталанган аҳоли сони (минг киши)	Пенсионерлар сони (минг киши)	Иқтисодий боғлиқлик коэффитсиенти
	1	3	1/3
2018	13273.1	3,258.0	4.1
2019	13541.1	3,403.0	4.0
2020	13236.4	3,515.0	3.8
2021	13538.9	3,685.0	3.7
2022	13773.6	3,723.5	3.7

Ўзбекистонда иқтисодий боғлиқлик коэффицент кўрсаткичлари

Жадвал орқали биз бир нафар пенсия ёшдаги аҳолига нечта банд аҳоли тўғри келишини билиб олишимиз мумкин, 2018-йилда бир нафар пенсионерга 4.1(1:4.1) нафар банд аҳоли тўғри келаётганлигини ҳамда ушбу кўрсаткич йиллар ўтиши билан камайганлигини ва 2022 йил бир нафар пенсионерга 3.7 нафар банд аҳоли тўғри келаётганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига мувофиқ, фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини барқарор ривожланиши учун бадал тўловчилар сонининг пенсия олувчиларга ўзаро нисбати 1:4 даражада бўлиши кўрсатилган [8]. Бироқ, бугунги кунда Ўзбекистонда бу кўрсаткич ўртача 1: 3,7 га тенг.

Мамлакатимизда пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, қариялар ва кекса ёшдагиларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш, фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш ва соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий ҳимоя концепцияси аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз кексалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа аҳоли қатламларига моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзишда ўз аксини топмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегиясида ҳам ушбу соҳада бажарилиш лозим бўлган муҳим вазифалар белгиланган.

Хорижий мамлакатларда ҳам турли хил пенсия тизимлари мавжуд бўлиб, баъзи мамлакатларда 2 поғонали, баъзиларида эса 3 поғонали пенсия тизими амал қилади.

Швецияда янги пенсия тизими амал қилиб келмоқда. Бунда пенсиялар уч қисм бўйича тақдим этилади: шартли жамғариш, жамғариб бориш ҳамда кафолатли пенсиялар. Қозоғистон Республикасида 2 поғонали пенсия тизими мавжуд улар; умумий пенсия тизими ва жамғарма пенсия тизимларидир. Германия пенсия тизими 3 поғонали яъни, давлат пенсия, корпоратив пенсия ва шахсий пенсия тизимлари амал қилмоқда. Чехия Республикасида 3 поғонали тизим яъни, давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия таъминоти мавжуд. Кўпчилик хорижий мамлакатларда 3 поғонали пенсия тизими амал қилади яъни давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия тизимлари.

Жаҳонда пенсия таъминоти муаммоларини ҳал этишнинг ҳозирги босқичида пенсия тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, фуқароларнинг ижтимоий таъминот ҳуқуқларини таъминланиши ва келгусида уларни муносиб пенсия билан таъминлаш кафолатларини яратиш ҳамда пенсия таъминотига оид қонунчилик нормаларини қайта кўриб чиқиш, пенсия соҳасида уларга нисбатан ижтимоий адолат принципларини бузилишини олдини олишга оид ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, пенсия таъминотига оид халқаро стандартларни миллий қонунчиликка мослаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш давлат пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан биридир. Мамлакат иқтисодий салоҳияти ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси билан боғлиқ ушбу масалада белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси даромадларини кўпайтириш ва пенсия жамғармаси даромадларининг мавжуд манбаларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни изчиллик билан ҳал қилиш зарур. Бугунги кунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар барча соҳаларни, жумладан, пенсия таъминоти тизимини ҳам қамраб олади. Чунки барча ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатдир.

Мазкур масалаларнинг ижобий ҳал этилиши мамлакатда пенсия таъминоти тизимини ривожланишига ҳам боғлиқдир.

Барча ривожланган мамлакатларида кузатилаётган аҳолининг кексайиб бориши, иш билан банд аҳолига нисбатан пенсионерлар сонининг доимий ошиб бориши, пенсионер ва ишловчилар сони ўртасидаги ўзаро нисбатнинг катталиги пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда шу каби муаммоларни инобатга олган ҳолда соҳани ривожлантириш учун қуйидаги таклифларга билдириб ўтмоқчимиз:

- фуқаролар қариганда уларни моддий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш мақсадида хориж тажрибасини ўрганган ҳолда хусусий пенсия фондларини (давлат кафолати остида) ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

- ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал меҳнат стажи давомийлигининг шарт-шароитларини ўрганишни (Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида” ги 102-сонли Конвенциясида ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этилган энг кам стаж 15 йил қилиб белгиланган [4].

Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида талаб этилган энг кам иш стажи 10-15 йилга етказилган;

- пенсияга чиқиш учун талаб қилинадиган ёшни сақлаган ҳолда кеч пенсияга чиқишни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ;

- корпоратив пенсия ва нодавлат пенсиялар жорий этилган давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва улар фаолиятини тартибга солишнинг самарали тизимини яратиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш;

- пенсия таъминотига оид қонунчиликни соддалаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун маҳаллаларда, оммавий ахборот воситаларида, иложи борича замонавий дастурлар орқали фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

ИҚТИБОСЛАР

1. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи: Юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “TDYU”, 2006. 241-Б.
2. А.В. Вахабов Миллий пенсия тизимини молиявий барқарорлигини таъминлаш механизми ва амалга ошириш дастаклари. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман: Тезислар тўплами. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2017. 10-Б.
3. Вахабов А.В. Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш муаммолари. “Пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш” мавзусида республика илмий-амалий конференция. - Toshkent.: “Universitet”. 2017. – В. 21-27.
4. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 6, декабрь, 2018 й.
5. Disney R. Public pension reform in Europe: policies, prospects and evaluation // *The World Economy*. 2003. Vol 26. № 10. P. 1425–1445.
6. Соловьев А.К. Пенсионные системы в контексте страховых принципов. // *Журнал НЭА*, №3(15), 2012. С.145.
7. Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // *American review of public administration*. 2014. № 1(44). P. 92–111.
8. Jun Peng. *State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition*. USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 45.
9. Конвенция Международной Организации Труда “О минимальных нормах социального обеспечения” (№102). – 32 с.
10. Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // *Труды ИСА РАН*. 2008. № 38. С. 168–173.
11. Борисенко Н.Ю. *Пенсионное обеспечение: учебник*. – М.: «Дашков и К0», 2009. – С. 8.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, I-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-I

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-I

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz



**IMFAKTOR
PAGES**